



АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ

Собурбаев Камронбек Баҳромбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти

Калит сўзлар: аёллар, аёллар жиноятчилиги, жиноят кодекси, жазо, хотин-қизлар, аёллар, профилактика, метод, халқаро тажриба, тенденциялар, гендер тенглик, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ва ҳоказо...

Аннотация: Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар замирида ҳуқуқ-тартибот, ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятчилик, уларнинг олдини олиш ҳамда унинг сабаб ва шарт-шароитларига қарши курашишга юксак эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг, айниқса оила-турмуш доирасидаги жиноятлар хаддан ташқари кўпайган. Бундан келиб чиқадики, аёллар томонидан нима учун айнан шу турдаги жиноятлар содир этилиши кўпайиб кетгани, уларнинг сабаб, шарт-шароитлари, уларга олиб келган омилларни ўрганиш, танқидий таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш зарур.

Abstract: At the heart of the fundamental reforms carried out in our country today, great attention is paid to law enforcement, violations, including crime, their prevention, and the fight against its causes and conditions. In recent years, the number of crimes committed by women, especially family crimes, has increased dramatically. It follows from this that it is necessary to study, critically analyze, and find a solution to why exactly this type of crime is committed by women, their causes, conditions, and the factors that lead to them.

Эркаклар ва аёллар ўртасида жиноятчиликнинг фарқларини тушунтиришда, одатда, жиноятчиликнинг ижтимоий ва биологик ҳусусиятидаги сабабларига эътибор берилди. Умуман олганда бундай фарқлаш анъанага кўра жинойий ҳулқ - атворни тушунтиришга нисбатан умумий ёндашувларга ҳам ҳосдир.

Аёллар ўртасидаги жиноятчилик жиноятчиликнинг мустақил элементи сифатида ўрганишга XIX асрнинг иккинчи ярмида асос солинган бўлиб, ушбу масалага дастлаб Ламбер Адолф жак Кетле (1796-1874) ва Чезаре Ломброзо (1836-1909) эътибор берган.



Ч.Ламброзо ҳам ўзининг «Ҳуқуқбузар ва фоҳиша аёл» асаида жиноят содир этишда айбдор бўлган аёлларни бир неча типларга ажратади :

- 1) туғма ҳуқуқбузар аёллар;
- 2) тасодифий ҳуқуқбузар аёллар ;
- 3) эҳтиросли ҳуқуқбузар аёллар;

Ламброзо ўз жонига қасд қилган ва чақалоғини ўлдирган аёлларни алоҳида кўриб чиқади, фоҳишаларни ҳам иккита : тасодифий ва туғма тоифадагиларга ажратади

Биз аёлларнинг агрессив хулқ – атворини инсоннинг эволюцияси жараёнида шаклланган биоижтимоий хусусияти ҳисобланувчи нисбатан мураккаб бўлган агрессивлик феномени доирасида кўриб чиқиш кераклиги тўғрисидаги олимларнинг фикрига қўшилаемиз.

Маълумки, ҳар бир ҳуқуқий фаолият, муносабат ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади. Ҳуқуқ назариясида эса, ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қўриқлаш, уларни жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига мувофиқ равишда ривожлантириш мақсадида мунтазам, норматив таъсир этиш жараёни тушунилади. Ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий муносабат субъектларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг бажарилишини таъминлайди. Бир қатор олимлар жамиятда жиноятка қарши курашиш, унинг олдини олишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини қуйидаги икки йўналишда олиб борилишини таъкидлашади³²:

Биринчи йўналиш – бу ҳуқуқ нормалари ёрдамида жиноятнинг сабаб ва шароитларига, жиноятларнинг содир қилинишига имкон берувчи жамият ижтимоий ҳаётининг барчасоҳаларидаги салбий воқеа, ҳодиса ва жараёнларга таъсир қилиши орқали уларни кучсизлантириш, бартараф этиш ва унга қарши курашиш учун шароитлар яратиш;

Иккинчи йўналиш – жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини ўрнатиш ҳамда аниқ профилактик чора–тадбирларни амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солишдир.

Таъкидлаш жоизки, бу йўналишлар ўртасидаги фарқлар шартли бўлиб, улар бир – бири билан узвий боғлиқдир.

Ҳориж тажрибаси аёллар ўртасида жиноятнинг криминалистик характеристикаси ўзига хос хусусиятга эгалиги,



уларнинг ҳуқуқбузарлигини ажралиб турадиган хусусиятини аниқлаган, изланишлар жараёнида аёллар ўртасида жиноятнингни ўзига хосмахсус бўлган жиҳатларини аниқлаган. Кўп изланишлар натижасида куйидагиларни гувоҳи бўлдики аёллар одатда жиноятларини катта ёшда содир этишади, жиноятларининг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини ўрганганимизда куйидаги сабабларга дуч келдик. Уй-жой масалалари бўйича, оила ва иш-юмушлари, шахсий эҳтиёжларини вақтида қондирилмаганлиги ва бошқа кўплаб камчиликларнинг босими остида келиб чиқаётган келишмовчиликлар сабаб бўларкан.

Қуйидаги маълумотга асосан ғарбнинг статистикасини ўрганиш жараёнида аниқланган, барча ҳуқуқбузар аёлларни ўрганиш жараёнида – жиноят содир этган аёлларнинг яримидан кўпи 30 ёшдан ошган аёллардир. Маълумотларга кўра 30-49 ёшли аёлларнинг ҳаётини фаолияти юқори бўлиб, уларнинг криминалистик ҳатти-ҳаракатларида яққол кўзга ташланиб турадиган жиҳатлари, уларнинг хулқ-атвори, ҳар-хил вазиятларда ўзларини тутиши, мансаблари орқали қўлга киритган ҳурматлари, ўқув даражалари бази белгиларга кўра ҳаётини поғонасини ҳам кўришимиз мумкин, яъна бир ҳуқуқбузар аёлни ажратиб турадиган белги бу – унинг ҳаётда синовларга бардош бера олмаслигидир, кийинчиликсиз осон, ёмон йўللарга кириб кетишидир. Шахсий ҳаётига келсак 30 ёшдан ошган ҳуқуқбузар аёлларнинг ва айниқса, 40 ёшли аёлларнинг ёлғизлиги, ота-онасидан эрта ажрагани, ва турмуш ўртоғи йўқлиги маълум бўлди. Аёлларнинг аксарияти ҳозирги кунда назар солсак, аксарият, 30-45 ёшгача бўлган аёлларнинг жамиятда бўлган ўрни, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, ишлаб чиқариш соҳаларида тутган ўрни диққатга сазовордир, баъзилари эса жаҳонда бошлиқлар лавозимларга тайинланяпти.

Ҳуқуқбузар аёллар жиноят содир этиш вақтида яримидан кўпи турмуш қўрган, бир ёки ундан ортиқ фарзандлари бўлган аёллар ҳисобланади. Кўп ҳолатларда суд ҳукмига кўра жазо тайинлангандан сўнг, маҳкума жазони ижро этиш муассасасидаги шароитларга ҳали кўникмай туриб, унинг оиласи бузилиб кетяпти ва эркак кишиларнинг кўпи бошқа аёллар билан оила қурыпти, таъкидлаб ўтиш керакки, ҳамма хорижий давлатларда бундай камчиликлар кузатила берилмайди.

Такидлаш жоизки, жазодан озод этилган аёллар тўғри йўлга кириб, тинч ва тотув ҳаёт қуриб кетишмоқда.



АҚШнинг машҳур журналининг маълумотига кўра, жиноят содир этаётган аёлларнинг кўпчилиги қисми олий ва ўрта-маҳсус маълумотли, яъни меҳнатга лайоқатли, қўлида хунари бор аёллар содир этган. Бундай вазият келиб чиқиши ўрганилганда, объектив ва субъектив омиларни ҳаётнинг бир бирига бўлган қарама қаршиликлари, кўп меҳнат қилиб лекин маошлари эҳтиёжларини қопламаётганини ва “тоза” меҳнат билан Мегаполисдан уй сотиб ололмаётганлиги, машинаҳайдай олмасликлари, уй-юмуш ва бошқа шахсий муаммоларни сабаб қилиб кўрсатишган.

Ҳуқуқбузар аёллар жиноят содир этиш вақтида яримидан кўпитурмуш кўрган, бир ёки ундан ортиқ фарзандлари бўлган аёллар ҳисобланади. Кўп ҳолатларда суд ҳукмига кўра жазо тайинлангандан сўнг, маҳкума жазони ижро этиш муассасасидаги шароитларга ҳали кўникмай туриб, унинг оиласи бузилиб кетяпти ва эркак кишиларнинг кўпи бошқа аёллар билан оила қурапти, таъкидлаб ўтиш керак-ки, ҳамма хорижий давлатларда бундай камчиликлар кузатила берилмайди.

Такидлаш жоизки, жазодан озод этилган аёллар тўғри йўлга кириб, тинч ва тотув ҳаёт қуриб кетишмоқда.

АҚШнинг машҳур журналининг маълумотига кўра, жиноят содир этаётган аёлларнинг кўпчилиги қисми олий ва ўрта-маҳсус маълумотли, яъни меҳнатга лайоқатли, қўлида хунари бор аёллар содир этган. Бундай вазият келиб чиқиши ўрганилганда, объектив ва субъектив омиларни ҳаётнинг бир бирига бўлган қарама қаршиликлари, кўп меҳнат қилиб лекин маошлари эҳтиёжларини қопламаётганини ва “тоза” меҳнат билан Мегаполисдан уй сотиб ололмаётганлиги, машинаҳайдай олмасликлари, уй-юмуш ва бошқа шахсий муаммоларни сабаб қилиб кўрсатишган.

Аслида эса америкалик криминолог олимларининг фикрича:

-дунё ривожлангани сари технологиялар ривожланиб бормоқда ва ҳар бир боланинг онгига компьютер ва бошқа технологиялар орқали “заҳарли” оммавий маданият етиб бормоқда;

-таълим-тарбияни ота-оналар эмас, балким, компьютер-технологиялар бермоқда ва натижада шахс ҳис-туйғусиз ўсмоқда;

-аёлларнинг аксарияти балоғат ёшидан ўрганиб қолган, енгил-елпи ҳаётлари орқали улар жинсий гуруҳларнинг ” илмоғига илиниб ” ҳар-қил оқимларга аралашиб қолишмоқда;



-қизларни балоғат ёшида ҳеч бўлмаганда ўзи мустақил равишда оиласи учун таом таёрлаш, отаси ёки яқин синглиси ,укаси учун бир нимани тикиб бериши, оиласи учун хар куни фойдали кўл меҳнатини бажариши йўқолиб кетганлиги, аёллар замонавий асбоб-ускуналарга ўрганиб қолгани натижасида кўлида бажариши лозим бўлган вақтда ўша машинка ёки яқин дўконга бориб таййёр таом олиб келиши, уларни ”оилам учун” деган фикрдан узоклашишига сабаб бўлиб келмоқда;

Фойдаланилган адабиётлар

1.Қ.Р. Абдурасулова. Аёллар ўртасида жиноятнингнинг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикаси. Ўқувқўлланма. Т.2016.Б.96.

2.“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60сонли Президент Фармони // 20.01.2022 йил

3.Абдусаломов М, Каракетов. Ю. Ответственность за вкмогательство. –Т., 2007. – с. 7.

4.PQ-5050-son Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини та’минлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

5.<https://articlekz.com/article/20751>

6.<https://cyberleninka.ru/article/n/kriminologicheskaya-harakteristika-zhenskoj-prestupnosti-1>